

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

445 Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида-
ги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш
ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 402-7*

(2012 йил 1 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (Ўзбекистон Республи-
каси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова), Ўзбекист-
он Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сон «Олий
малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтқа-
зиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон
Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 346-модда) ва
Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 февралдаги 10-сон «Ўзбекистон Рес-
публикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон қарорини амалга
ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон, 39-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Респуб-
ликаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан 1998 йил 7 январда 8/
04-01, 32/01-сон билан тасдиқланган Меҳнат дафтарчаларини юритиш тар-
тиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 402, 1998 йил 29 январь)
иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-
лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

Вазир

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 21 август,
47-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2012 йил 21 августдаги
47-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар ва
қўшимча**

1. 2.5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.5. Иш берувчи ходимнинг талабига биноан меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки нусхани тасдиқланган ҳолда беради.

Ходимнинг ёзма равишдаги илтимосномасига кўра, қайтариб бериш шарти билан меҳнат дафтарчаси унинг эгасига 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатга берилади. Бунда меҳнат дафтарчасига охириги иш жойи ва лавозими ҳақида киритилган маълумотларнинг тасдиғи сифатида ташкилот томонидан маълумотнома берилиши лозим.

Бу даврда мазкур Йўриқномада белгилангандан ўзгача тартибда меҳнат дафтарчасига қўшимча ёзувлар киритиш, уни ўзгартириш, гаровга бериш ёки йўқ қилиш қатъиян ман этилади ва барча жавобгарлик ходимнинг зиммасига юклатилади.»

2. 2.14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.14. Меҳнат дафтарчаси бор бўлган талабаларга, ўқувчиларга, катта илмий ходим-изланувчиларга ва тиббиёт ординаторларига ўқув юртлари (илмий муассасалар) томонидан олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқиган вақтлари тўғрисида ёзув киритилади. Бундай ёзувларга асос бўлиб талабалар, ўқувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ва клиник ординаторлар сафига қабул қилинганлиги ёки сафидан чиқариш тўғрисидаги ўқув юртлари (илмий муассасалар)нинг чиқарган буйруқлари ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган ўқувчи, катта илмий ходим-изланувчилар ва клиник ординаторларининг талабалар отрядларида, ишлаб чиқаришда ва хўжалик шартномалари бўйича илмий тадқиқот мавзуларда қатнашган даврлари, ихтисоси, малакаси, мансаби (лавозими) ва иш муддати кўрсатилган ҳолда тегишли маълумотномалар билан тасдиқланади. Ушбу маълумотномалар асосида ўқув юртлари (илмий муассасалар) талабалар, ўқувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ва клиник ординаторларининг меҳнат дафтарчаларига иши тўғрисидаги олинган маълумотларни киритилишини таъминлайди ва уларни қатъий ҳисобот ҳужжатлари тарзида сақлайди.»

3. 2.15-банд «аспирант» деган сўздан кейин «(стажёр-тадқиқотчи-изланувчи), докторант (катта илмий ходим-изланувчи)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 3.5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

38 (538)-сон

— 57 —

445-модда

5. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Ўзбекистон Қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2012 йил 16 август